

O'zbekiston adabiyoti va san'ati



ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan e-mail: info@uzas.uz 2016-yil 22-yanvar №4 (4351)

ҚУТЛУФ ҚАДАМЛАР

Хар бир янги йилнинг бўй-басти, истиқбол режалари аслида аввалги йилларда қўйилган мустақкам замин, асос-пойдевордан куч-қудрат олади. Халқимиз 2016 йилда ўз олдига қўйган эзгу мақсадлар ҳам истиқлол йилларида эришилган беқиёс ижтимоий-иқтисодий тараққиёт самараларидан келиб чиқиши, яъни эришилган муайян босқичу поғоналардан туриб янги марралар кўзланиши ҳаммага аён.

Президентимиз Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасини ўқиб, орзу-интилишларимизнинг асосий моҳияти Ўзбекистонни жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари даражасига етказиш, асрий армонлари ушалган халқимизнинг бой салоҳияти ва бунёдкорлик қудратини тўқис юзага чиқаришдан иборат эканлигини чуқур англаб етасиз.

Ифтихор

Мамлакатимиздаги кўп қиррали бунёдкорлик жабҳасининг жаҳонни ҳайратга солаётган бир жиҳати замонавий қишлоқлар қурилиши билан вобосита боғлиқ. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар, аввало, фидойи халқимизнинг турмушини яхшилаш, оиласи, фарзандлари билан қобилияти ва меҳнатига муносиб даражада яйраб яшашини таъминлаш, оилада ўсаётган фарзандларнинг ҳар жиҳатдан соғлом, илмли, касб-хунари бўлиб камол топишига шарт-шароит яратса, иккинчи томондан, қишлоқларнинг асрий қиёфасини янгилаш, уларни кўрган кўзни яшнатадиган қиёфада кўркам қилиб қуриш, замонавий қишлоқ меъморлигига XXI аср шаҳарсозлиги тажрибаларидан келиб чиқиб ёндошишни назарда тутати.

Президентимиз маърузасида бу йил қишлоқ жойларида 1 миллион 800 минг квадрат метрдан зиёд ҳажмдаги 13 мингта уй-жой барпо этиш, узунлиги 900 ки-

лометр ичимлик сув, газ ва электр тармоқлари, 325 километр йўл қуриш кўзда тутилаётгани таъкидланган. Ўн уч мингта уй, яна шаҳар ва қишлоқларимизда қанчадан-қанча ёш оилаларга давлат томонидан имтиёзли кредитлар асосида қуриб берилаётган уйлар — буларнинг барчаси мамлакат тараққиётининг ўсиш суръатлари барқарорлиги ҳамда тинчлик ва осойишталикни сақлашга энг устувор масала сифатида қаралаётгани боис эришилаётганини бутун жаҳон кўриб турибди.

Мустақилликка эришиш остонасидаги 1989-1990 йиллардаёқ Юртбошимиз раҳнамолигида илк бор пахта яққақимчилигига барҳам берилиб, ундан бўшаган майдонларнинг бир қисми қишлоқ ахли томорқаларини кенгайтириш учун берилгани, айна чоғда, дон экинлари ҳам далаларимиздан муносиб ўрин эгаллай бошлагани халқимиз турмуш даражасини кўтаришда муҳим қадам бўлгани кўпчилиكنинг ёдида. Эндиликда ўша оғир ва синовли йилларда узоқни кўриб амалга оширилган бу тадбир нақадар катта зарурат бўлганини даврнинг ўзи яққол намоён этди.

“Яна бир ўта долзарб ва узоқни кўзлаган масалага алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман, — деб таъкидлади давлатимиз раҳбари. — Бу ўринда 2020 йилгача пахта хомашёсини етиштириш ва уни давлат томонидан харид қилиш ҳажмини 3 миллион 350 минг тоннадан 3 миллион тоннага босқичма-босқич қисқартириш ҳақида сўз бормоқда...”

Маърузада айтилганидек, шўрланган, шунингдек, пахта етиштиришга яроқсиз бўлган тоғолди ерларига ғўза экмаслик натижасида бўшайдиган 170,5 минг гектар суғориладиган майдонларда сабзавот ва картошка, озиқ экинлари, ёғ-мой олинмайдиган ўсимликлар экилиб, боғ ва узумзорлар барпо этилади. Экин майдонларини шундай мақсадга мувофиқ жойлаштириш ва илгор агротехнологияларни жорий этиш туфайли 2020 йилда бошқоқли дон етиштириш 16,4 фоизга ошиб, унинг ҳажми 8,5 миллион тоннага етказилади. Картошка, сабзавот, мева ва узум, гўшт, сут, тухум ва балиқ етиштириш бир неча баробар ошади...

Эл-юртимиз бойлиги ва фаровонлиги йўлида қўйилаётган қутлуф қадамлар самарасини халқимиз ўз турмуш тарзи, шаҳар ва қишлоқларимиз ободлиги, янги бунёдкорлик иншоотлари қурилиши кўлами тобора кенгайиб бораётганида ҳам яққол кўриб ва ҳис этиб турибди. Зироатчилигимизга жаҳоннинг илгор технологиялари кириб келаётгани, далаларни обиҳаёт билан таъминлашда сувни тежайдиган томчилатиб суғориш усулидан фойдаланиш, интенсив боғдорчилик кенг урф бўлаётгани, қуёш энергиясидан электр қуввати олиш бўйича йирик лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётгани кимни қувонтирмайди дейсиз.

Агар биз атиги икки-уч йил аввал қурилиши бошланган ва бу йил ишга тушириладиган энг йирик иншоот — Ангрен-Поп темир йўлини, янгидан барпо этилаётган яна қанчадан-қанча йирик корхоналар, замонавий қишлоқлар, олий таълим даргоҳларининг замонавий биноларини, бунёдкор халқимизнинг беқиёс салоҳиятини кўз олдимишга келтирадиган бўлса, асосий йўналишлари Президентимиз маърузасида тилга олинган ҳамда 2016 ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган истиқбол режаларини рўёбга чиқариш ҳам халқимиз ҳаётида улғувор истиқболлар очиши яққол намоён бўлади.

Мурод АБДУЛЛАЕВ,
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Навоийнинг сўз гавҳари

“ЙИГИТЛИГИМ ЗАМОНИ ВА ШАБОБ АЙЁМИ АВОНИДА...”

Булардин доғи бошқа, йигитлигим замони ва шабоб айёми авонида кўпрак шеърда сеҳрсоз ва назмда фусунпардоз шуаронинг ширин ашъори ва рангин абётининг эллик мингдин ортуқ ёд тутупмен ва алар завку хушқолиғидин ўзумни овутупмен ва салоху фасодларига фикр айтибмен ва маҳфий даққойқиға тааммул ва тафаккурлар била етибмен ва форсий алфоз айбу хунари мулоҳазаси идроқида таъбир ўзин солмайду, балки ул водий қатъида қилким равандаси тезгомлиг била қадам урмагон ер қолмайду.

Ва ўттуз йилдин ортуқ ва қирқ йилга яқиндурким, Хуросон мулкиким, фазлу камол аҳлига олам мамолиқининг мисри муаззаси ва саводи аъзамидур, бу мулкнинг жамий назм аҳли, шуаройи ширин каломи ва фусаҳойи

вожиб ул-эҳтироми ҳар не ҳар маъни биланим, авроқ юзига оройиш ва ҳар алфоз биланим, ажзо узориға намойиш берибдурлар, бу фақир суҳбатига еткурубдурлар ва заиф олинди ўтқарибдурлар ва ҳақ ва ислоҳ илтимо-

Алишер Навоий 575

син қилибдурлар ва хотирга хутур қилгон нуқтаки, айтилибдур, инсоф юзидин мусаллам тутуптурлар ва агар баъзи ибто қилибдурлар далоийл била аларга хотирнишон қилибдур, андин сўнгра қабул қилиб, ўларин шоқир ва мамнун билибдурлар.

“Муҳокамат ул-луғатайн”дан

РУҲИЯТ ИНКИШОФИ

Профессор Нажмиддин Комилов орифона ғазалларни тўрт гуруҳга бўлиб ўрганишни тавсия қилади. Улар: муножот ғазаллар; Худо ва Пайгамбар мадҳига бағишланган (ҳамд-наът) ғазаллар; ошиқнинг аҳволини тасвирловчи “шарҳи ҳол” ғазаллар; фалсафий фикрларни ифодаловчи ғазаллар.

Алишер Навоийнинг дастанвал “Бадойиъ ул-бидоя” девонига 451-рақам билан, сўнг “Хазойин ул-маоний”нинг биринчи девони “Фаройиб ус-сиғар”га 393-рақам билан киритилган ғазали ориф инсоннинг шарҳи ҳоли тасвирлангани билан унинг учинчи ва, айна пайтда, фалсафий мушоҳадаларни ифодалаётгани туфайли тўртинчи турга мансуб. Ғазал руҳият долғаларини гилофга ўрамаган ҳолда, қахрамони бўлмиш шоир

инсон руҳиятини очик-ойдин инкишоф этади. Ўқувчи кўз олдига умр бўйи халқ гамида машаққат чеккан Навоийнинг ўзлиги билан ёлғиз қолган пайтдаги аҳволи руҳияси, ўз-ўзига берган ҳисоби, умрининг кўнгли тўлмаган ва ифтихор этган лаҳзалари жонланади. Ундаги маълум байт ёки байтлар инсон руҳиятидаги айна бир ҳолатни ифодалайди. Кейин келган байт эса бошқа ҳолатга ўтиш кўприги ва, айна

пайтда, ўша ҳолат ифодаси бўлиб хизмат қилади.

Биринчи байт (матлаъ):
Бўлмиш андоқ мунқатий аҳли замондин улфатим, Ким ўзум бирга чиқшмас ҳам замоне суҳбатим.

(Мазмуни: Замон аҳлидан улфат орттиришдан узилганлигим — мунқатий бўлганимнинг сабаби ҳар замонда ҳам ўзим билан суҳбатим чиқиша олмаётганлигидандир.)

Давоми тўртинчи саҳифада.

Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан

Жарқўрғонда 104 ёшли Арзихол момо яшайди. Суҳбатлашиб тўймайсиз. Жонли тарих дейсиз. Дастлаб у кишини шундай хаёл қилгандим: жуссаси ориққина, юзлари серажин, сочлари оппоқ, қадди эгилган, қулоқлари оғир, хотираси...

ФАҚАТ ЯХШИЛИК ҚИЛДИМ

Аммо момони кўргач ҳамма тахминларим тумандай тарқаб кетди. Кечмиши қалин китоблардан кўра мазмунлироқ, қизиқарлироқ бир дунё экан. Кўпинча шундай-да, ҳеч кутмаганингизда хазилага дуч келасиз.

Момо “Урикли” маҳалласида яшайди. Ўнг томонида неваря келини Муқаддасхон, ёнида невараси Ўткиржон.

— Ёшлигингизни эслай оласизми, момо?

Биринчи берган саволим шу бўлди.

— Мен, Бойсуннинг Кенталасида (балки аслида Кендала бўлса керак) туғилганман. Бир томони тоғ... Тоғда катта гор бор эди. Инкарисига кирсангиз зулмат, қоронғуликдан сесканасиз. Биласизми, нимага эсимда қолган? Ўша пайтлари шўро одамлари тўда-тўда бўлиб келарди. Улардан ҳамма кўрқарди. Чиройли қизларни олиб кетарди. Одамлар уларнинг қишлоққа кирганини эшитдими, қизларни йигиб қишлоқдан анча узоқдаги форга олиб бориб яширишарди. У ерга арчалардан, чакалақлардан ўтиб боришарди.

Давоми иккинчи саҳифада.



ҚУВОНЧЛАР ВА ҲАЙРАТЛАР

Дунёда боланинг қувноқ чехрасидан, жарангдор кулгисидан ёқимли нарса бўлмаса керак. Болажон халқимиз фарзандларининг яйраб-яшнаб, шоду хандон камолга етиши учун барча шароитларни яратиб беришга интилади. Замонавий шинам боғчалар, янги-янги техник жиҳозлар билан таъминланган мактаблар, коллеж ва лицейлар улар хизматида. Болаларнинг бадий тафаккури, илмий салоҳиятини, маънавиятини юксалтиришга хизмат қилувчи турли фестиваллар, кўрик-танловлар ёш авлодининг барча соҳаларда улкан муваффақиятларга эришиши учун замин ҳозирламоқда.

Куни кеча ниҳоясига етган “Камалак юлдузлари” болалар ижодиёти фестивали ана шундай тадбирлардан биридир. 2015 йил 60 мингдан зиёд бола мумтоз ва миллий мусиқа чоғулари ижорчилиги, анъанавий ва академик хонандалик, хореография, тасвирий ва амалий санъат, наср ва назм йўналишлари бўйича ўз истеъдодини синовдан ўтказди. Пойтахтимизда бўлиб ўтган якуний гала-концертда ҳар бир йўналиш бўйича ғолиб бўлган иқтидорли болалар ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Шу куни “Истиқлол” санъат саройи болаларнинг шўх-шодон куй-рақслари, жозибадор оҳангларга фарқ бўлди.

2016 йил — Соғлом она ва бола йили

“БОТИР БОЛАМ, ПОЛВОН БОЛАМ!”

Эслайман: болалигимда даданинг ҳарбий хизматни бирга ўтаган ўртоғи уйимизда тез-тез меҳмон бўларди. Бир куни меҳмон амаки каратэ билан шуғулланган укамнинг бўй-бастига қараб: “Яқинда кўрганимда нимжонгина эдинг, бўйларинг чўзилиб, билакларинг чиқиб қолибди. Сенинг тенгдош журанг — ўғлимнинг бўйи паст, иштаҳаси ёмон. Боши касалдан чикмайди. Шифокорларнинг айтишича, иммунитетини пастмиш”, деди.

Йиллар ўтди. Даданинг дўсти шифокорларнинг “Ўғлингиз спорт билан шуғулланса барча касалликлардан фориг бўлади”, деган маслаҳатидан сўнг уни курашга берди. Яқинда дадам ўша амакининг ўғли ҳарбий хизматдан қайтганини, нимжонгина боланинг забардаст, алп қоматли йигит бўлиб етишганини ҳавас билан гапирди.

Давоми иккинчи саҳифада.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Халқаро Амир Темур жамоат фонди, Темурийлар тарихи давлат музейи Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 680 йиллиги муносабати билан

“ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИГА ОИД ЭНГ ЯХШИ БАДИИЙ-ПУБЛИЦИСТИК АСАР”

кўрик-танловини эълон қилади. Танлов учун 2015-2016 йилларда чоп этилган бадий-публицистик асарлар шу йилнинг 30 март кунига қадар қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 1-уй. Халқаро Амир Темур жамоат фонди.

Анвар ОБИДЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири

ЧАҚМОҚЛИ СЎЗНИ ИСТАРАМ...



ОРОЙИШЛИ ЎЛКА

Ҳар чакримда мевали боғ бор,
Ҳар боланинг дарахти — юзта.
Ўрмон янглиғ қуруқ соядор
Қорабоғлар кам бу улусда.

Бу эл лаззат туймас меҳнатсиз,
Орлар — захмат чекмай ёмоқ ош.
Дўстни чорлар, топса бир мағиз,
Керик зўрга эгиб бормас бош.

Бу эл — доно: бузмайди, қурар,
Нонга тенглик тотувлик қадри.
Шу боис юрт бўйлаб уфурар
Қаҳқаҳали гурунглари атри.

Бу эл билар: уруш — кўр ёнғин,
Бешиқларга сачрағучи чўғ...

Гар ОНАда бўлмас муовин,
ТИНЧЛИКда ҳам ўринбосар йўқ!

ҒАПАТИ ОДАМ

Ўн гапидан
Тўққизтасида
Нолиш иси анқийверади.
Ғанимларим қутурди жуда —
Деган гумон санғийверади.

Дўстман, десанг, хавфсирар:
“Нега?!”

Ичга тирар қора тамбани.
Унга ҲАММА душманлигига
Ишонтирмоқ бўлар ҲАММАни.

САМОВИЙ АДОЛАТ

“Иблис!” — деб тиржайди
Одамга Иблис,
Одам буни ичга қаттиқ олмади.
Минг шукри,
Одам Одамлар хануз,
Иблис эса Одам бўлиб қолмади.

ҒАЗАЛ ШАКЛИДАГИ ШЕЪР

Истамам хурхонани,
бир холи қизни истарам,
Истамам Ой ёлқинин,
Ой тусли юзни истарам.

Истамам жононалар
қолдирса турфа мушк исин,
Дилбарим кўзатса гар
шу чангу тўзни истарам.

Истамам боқмоғини
минг-минг малак шаҳлоланиб,
Биргина маънос ўшал
осуда кўзни истарам.

Истамам ишқ базмию
шоҳона ишрат туйғусин,
Қор сувин эмган тиниқ,
топ-тоза ҳисни истарам.

Истамам гашт лаззатин
қоқвош санамлар нутқидан,
Дур мисол ёдусочар,
чақмоқли сўзни истарам.

Истамам, дўстим, бу кун
сирли судулар ташрифин,
Борғучи меҳроб сари
тавҳидли изни истарам.

УЧЧАНОҚЛАР

Кабобин е, майни ич...
Уйда ётсанг тўқ ва тинч,
Шудир кўпга ҳаловат.

Суйканма бу парига,
Шу ёшигдан нарига
Омон ўтмоқ истасанг.

Миниб оддим мансабга,
Иқтидор деган гапга
Эҳтиёжим йўқ энди.

Нафсиз иқир-чиқирни
Ва айниган фикрни
Отвор ахлатхонага!

69

Кўп кўрқитманг мени, дўхтирхон,
Олтмиш тўққиз
Нима деган ёш;
Куйинишга чидаб турса жон,
Шеър тўқишга яраб турса бош...

БЎЙДОҚЧА

Қорда нафис излар ербиринг,
Опоқ-опоқ ҳислар ербиринг.
Ўн биринчи қаватдан боқсанг,
Пастда дўмбоқ қизлар ербиринг...

Тилак ЖЎРА ТАЛАБАСИГА ДЕБДИКИ...

Кўпмас, майли, оз ёзгин,
Оз ёзгини соз ёзгин.
Миллат орин кўз-кўзлаб,
Қаддинг тутиб фоз ёзгин.

Кўпмас, майли, оз ёзгин,
Оз ёзгини соз ёзгин.
Алангламай хорижга,
Гирт ўзбекка хос ёзгин.

Кўпмас, майли, оз ёзгин,
Оз ёзгини соз ёзгин.
Виждонингдан туғ ясаб,
Кўрганингни рост ёзгин!

ИГНАБАРТ ШЕЪРЛАР

Пенсияга ошиқ бу чоллар.

Сурбетлиги сочқича юқди.

— Бас қил, кўшчи! Ёрворма Ерни!

Кўзи қизғин... Демак, ёш келин...

Қопоғонлик — итнинг паспўрти.

Худодан уч доллар тилади...

Бир изза қил, яраб терлайин.

Ҳасад қилди... ҳасадгўйроққа.

— Ҳей, пашмакоч, пашмакхўрмисан?

ЎША...

Дуч келдинг. Худодан сўрадим паноҳ:
Сени кўриб турмоқ ўзи зўр гуноҳ.

ШОИР ЭР

— Онаси, гоҳида қотади бошим
Сизми ё шеърми, деб, умр йўлдошим...

ОМОНАТ МАНСАБ

(Ҳазил)

Бу ҳовлида
Эскигдан
Хотинбой чўнг қозидир.
Нафас олманг, деса бас,
Қолганлар жим, розидир.

Боқиб норғил эркакка,
Демак:
“Бу ким? Хўш, бу-чи?”
У — эр вазифасини
Вақтинча бажарувчи.

А.ОБИДЖОН 1947 йили Фарғона вилоятида туғилган. «Она ер», «Масҳарабоз бола», «Оловжон ва унинг дўстлари», «Баҳромнинг ҳикоялари», «Эй, ёруғ дунё», «Кетмагил», «Безгак шамол», «Жуда қизиқ воқеа», «Олтин юракли автобола», «Даҳшатли Мешповлов» каби шеъррий, насрий китоблари чоп этилган.

Гулрух ХУДОЁРОВА

ҲОРАК — ПОКИЗА ЖОЙДИР

Илк танишув



Сўз — инсонга инъом этилган энг улуг неъмат. Ундан қай йўсинда фойдаланиш ижодкорнинг истеъдоди ва маҳоратига боғлиқ. Маҳорат тинимсиз изланиш ва ўрганиш асосида шакл топса, истеъдод кишига Яратган томонидан бахш этилган мўъжизадир. Шеърятимиз осмонида юлдуз бўлиб порлаган Нодирабегим, Увайсий, Зебунисо, Зулфия сингари ижодкорларимизнинг ғазал ва шеърлари қанча вақтлардан бери дилдан дилга кўчиб келаётган. Улар ҳам бир пайтлар бугунги ижодкор набиралари сингари изланиш ва ўрганиш жараёнини бошдан кечирганлари шубҳасиз.

Гулрух Худоевнинг илк шеърини машқларини ўқиб, уларни машқ дегингиз келмайди. Ҳеч бир иддаосиз, ибодат ифори-га бурканган сатрлар кўнглингизга сурур ва қувонч олиб киради.

Наъм ва наср бўлими

КИЗ БОЛА

Меъри бор қулдуларимнинг,
Чегара бор, ҳатто йўлимда.
Сўзларингни ўйлаб юрибман,
Ортиқча сўз олмай тилмагга.

Керак эмас қутилмаган ғам,
Керак эмас ортиқча тилак.
Қиз боланинг армонлари ҳам
Пок-покиза бўлиши керак.

Ҳамма нарса ўзин ўрнида,
Нолимайман. Нима десанг, хўп.
Кечир, фақат менинг кўнглимда
Орзуларим меъеридан кўп.

Қадимини ўйлаб босяпман,
Тоza нафас оляпман ҳар он.
Сўзларингни эслаб ўсяпман,
Мен номусман, ахир, отажон.

БАҲОНА

Боғ енгидан тортиб қўйди куз,
Дарахтларга тушди ҳаяжон.
Сариқ яроқ ерга қўйди юз,
Ўз юртида берган каби жон.

Пишганини англади олма,
Шоҳдан аста узилиб тушди.
Гул яроғи — кўлдаги кема,
Ерга секин сузилиб тушди.

Пишиб шира олган қовунлар,
Дум уздилар тунда пинҳона.
Қулча нонлар узилди ногоҳ,
Пишганини қилиб баҳона.

Мен ҳам қузни интиқ қутгандим,
Умидларим кўп эди ундан.
Юрагимни қузга тутгандим,
Узмоқийдим кўнглимни сендан.

ИШҚДА БАЛАНД КЕТАМАН

Осмонинг бир четини узиб
олиб бўлмайди,
Кўнгли йўқнинг ёнида мангу
қолиб бўлмайди,
Муҳаббатда мағлуб йўқ, унда
ғолиб бўлмайди,
Юрак деган юракдан фақат
меҳр қарз экан.

Кўнглинг тилла бўлса ҳам кўкка
қайдай олмайсан,
Алдаганинг барини номард
атай олмайсан,
Баъзида жим яшайсан, баъзан
тўлиб йиғлайсан,

Йиғламоқ ҳам Худога айтилган
бир арз экан.

Имкон бўлса одамда ойга
тумор тақали,

Булутилларда ёнбошлаб кўю
кўзи боқали,

Ўрни келса аёлга алданиш
ҳам ёқали.

Алданиш — бу улғаймоқ ҳақидаги
дарс экан.

Ҳар нарсада нарх бўлса, ишқда
баланд кетаман,

Муҳаббатта яраша нарху
наво битаман,

Қайтимага юрагим юлиб
олиб тутаман,

Муҳаббатта муҳаббат қайтармоқлик
фарз экан.

Абдулла ЧИНМИРЗАЕВ

ҚУВОНЧ ОСТОНАСИ



Кишлоқ тизза бўйи қор қўйида мудраб ётган маҳалда, ёшига нисбатан кекса кўринувчи Тоживой рангфуруш катакдаги хўрозчаларнинг илк машқларидан эриниб уйғонди. Деразадан қараб жунжукди-да, елкасига чопинини олиб ташқарилади. Оғилхона бурчагига суяб қўйилган куракни олиб қор қурашга тушиб кетди. Шўхлиги тутиб бир тоғора ўтин кўтариб олган хотинини қорбўрон қилди. Ичкарига зўрга кириб олган Гулбахор муаллим дераза тирқишидан ёлғондакам мушт дўлайтириб нўписа қилди.

Дастурхон бошида ҳам қилиқлари ўзларига нашъа қилиб кула-кула чой ичишди. Кейин негадир илкис бир-бирига тикилиб жим бўлиб қолишди. Сукунат соғуви жондан ўтди-ми, хотини шундоқ ҳам ловуллаб турган печка ўтин қалади. Эрак бу ноқулай жимликни

бутунлай уйдан қувиб солиш учун баланд овозда гап бошлади.

— Анови, Шодикулни қашқа сигири борку, ана шу болалабди!

— Ростданми?!

— Ҳмм!

— Эсингдами, ёшлиқда бизни оқ сигири-миз бўларди. Худди шунга ўхшайди-я қурғур.

Уша сигирни боқиб баҳона сени кузатгани чиқардим.

— Ҳа, эсимда. Менга ҳа деб қарайверганингиздан

ғашим келиб, акамни чақирсам, дарров бедапоёга оралаб кетган сигирингиз ёдингизга тушиб қоларди.

Улар енгилгина қулиб олишди. Тоживой хотинининг юзидagi қувончни йўқотиб қўйишдан қўрқиб, уни қўярда-қўймай ҳовлига етаклаб чиқди.

Дунёнинг бор ғаму ташвишларини унутиб икки ёрти Қорбола ясашга киришиб кетишди. Уларнинг қўллари совуқдан музлаб борар, аммо унга эринмасдан шакл беришда давом этардилар. Ниҳоят, қалтирай-қалтирай уни ясаб бўлиб, бир-бирига маънодор қараб оли-

шаркан, аёл шарфини ечиб Қорболага боғласа, иккинчиси совқотиб қолмасин, деб телгани кийгазиб қўйди. Тоживойнинг назарида ҳаммаси жойида эди. Аммо кўшни ҳовлида қўтарилган шўх-шодон болакайларнинг қийқириқлари, булут ортидаги қуёш сингари бир кўриниб, бир яшириниб турадиган қулгичларини юзларидан бутунлай ўғирлатган эр-хотин

ўрта девор тирқишларидан музлаб тортиб қараб қолдилар. Нимадир эсига тушгандай, зум ўтмай ортига шидат билан ўғирилган аёл Қорболани ерпарчин қилиб ташлаб, совуқдан музлаб қолган қўллари юзига босиб хўн-хўн йиғлаб юборди.

Эракнинг қўллари билан бирга шуури ҳам музлаб қолган, нигоҳи дарахтдан гўппа-гўппа қулаётган соғинчранг қорларга тирғалиб қолганди. Дарвозанинг “так-так” урилган овози бир қарашда эр ва хотинни ғам-қайғусиз одамларга айлантириб юборди.

Гулбахор ва Тоживой рангчи каловланиб эшик очишди.

— Ассалому алайкум, устоз.

Гулбахор муаллима бу сафар чин дилдан

қувонди. Остонада ота-оналари оламдан ўтгач, бутунлай шаҳарга кўчиб кетган икки ўқувчиси — Акбаржон ва қўлида ширингина қизалоқни кўтариб олган Зулайхо турарди.

— Булар менинг ўқувчиларим, — деди эрига фахрланиб, кўз ёшини қафти билан сидираркан.

Уша қуни чиндан байрам байрамга ўхшайди. Хотинининг ўқитувчилигига бир умр нописандлик билан қараб келган Тоживой рангфуруш қизалоққа меҳрибончилик қилаётган аёлини кўчиб йиғлаб юборгиси келди. Тобора кўзига қалқиб келаётган ёшни яширолмай ташқарилади.

Аммо қайтиб келмади. Унинг ўрнига хушчақчақ бир Қорбобо кириб келди. Ва чўчук тил билан шеър ўқийётган қизалоққа чиройли шарф билан қўғирчоқ совға қилди.

А.ЧИНМИРЗАЕВ 1988 йилда Самарқанд вилоятида туғилган. СамДУнинг тарих ва фалсафа факултетини битирган. Унинг “Ҳаёт ёғдуллари”, “Музлаган атиргул” номли ҳикоялар тўплами нашр этилган.

Шингил ҲИКОЯ

дат билан ўғирилган аёл Қорболани ерпарчин қилиб ташлаб, совуқдан музлаб қолган қўллари юзига босиб хўн-хўн йиғлаб юборди. Эракнинг қўллари билан бирга шуури ҳам музлаб қолган, нигоҳи дарахтдан гўппа-гўппа қулаётган соғинчранг қорларга тирғалиб қолганди. Дарвозанинг “так-так” урилган овози бир қарашда эр ва хотинни ғам-қайғусиз одамларга айлантириб юборди.

РУХИЯТ ИНКИШОФИ

Бошланиш биринчи саҳифада.

Инсон ҳаёлларининг мураккаб ва қарама-қаршилиги, бир нуқтада узок вақт турмаслиги бу унинг юксак тафаккур соҳиби эканлигидан далолатдир. Улуғ шоир ўз кечмишидан, балки ижодидан кўнгли тўлмаган лажзалар — кўнглига қил сизмаган онлар тасвири бу байт. Балки мутафаккир даҳонинг нафақат аҳли замондан, балки имкониятлари улуғ ва юксак бўлгани ҳолда бу имконлардан фойдаланмаган, арзизмаган нарса билан умр ўтказган одамзоддан кўнгли тўлмаслигидир. Эҳтимол, ўзи мисолида инсониятдан, инсоният мисолида ўзидан қониқмаслик ифодасидир. Зеро, ҳар икки ҳолат ҳам инсон қалбида бир байтнинг икки сатри каби бир-бирига мутаносиб.

Эй хуш улқим, тутмиш эрди ваҳи ила саҳрода унс, Мудҳиш аҳволе мангоким, бор ўзумдин ваҳшатим.

(Мазмуни: Қандай яхши пайтлар эди ҳайвонлар билан саҳрода яқинлик, дўстлик — унс ришталарини боғлагандим, бироқ энди нафс боис аҳволим мушкул.)

Инсонни турли ёмонликларга бошлайдиган нафсини Навоий тоғдаги ваҳший ҳайвонлардан кўра хавфли демокда. Эсласангиз, "Лайли ва Мажнун" дostonи қаҳрамони Мажнун нафсдан озод бўлгани учун саҳрода унга ваҳший ҳайвонлар дўст ва улфат эди.

Истарам қочмоқ адам водийсидинким, кирғали Вомиқу Фарҳоду Мажнун бас гулдур хилватим.

(Мазмуни: Йўқлик — адам водийсига ором истаб киргандим, бироқ у ерга Вомиқ, Фарҳод ва Мажнун каби ишқ ўтида покляниш натижасида фано даражасига етганлар ҳам киришди. Шунинг учун менинг хилватим гулувга айланди ва йўқлик водийсидан ҳам безор бўлиб қочиб чиқишни истадим.)

Ушбу байт билан шоир руҳиятидаги илк кайфият чизгиларига — ўзлгидан ва инсониятдан кўнгли тўлмаслик ҳолатига яқун ясалди. Навбатдаги байтда шоир кайфияти ўзгаради. У энди ўзлгидан — нафсдан қутулмаётган саргашта руҳинг изтиробларини тасвирлайди ва, айна пайтда, бу байт юқоридаги байтларга кўприк вазифини ҳам ўтайди.

Тулангурмен ўлғумдин чиқғали буқим эрур, Дард водийсида саргардон қуюндек ҳайбатим.

(Мазмуни: Ўзлгим — нафсимдан чиқиб учун гўё дард водийсидаги қуюн каби бесаранжом тўлғонаман.)

Рух нафс қутқусидан чиқмоқ — ўзлгидан халос бўлиб, илоҳий висолга эришмоқ учун ҳаракат қилмоқда. Шоир лирик қаҳрамони энди ўзидан ва аҳли замондан кўнгли тўлмаслик билан кифояланмай, бу ҳолатдан чиқишга интилади. Бироқ бу ниятига у ҳали эришгани йўқ. Фақат интилиб, саҳродаги саргашта қуюндек беқарорлик билан талпинмоқда, холос.

Эй ажал, тан хирқасин куйдурки, бўлмиш бас огир, Бу маломат ўқлари бирла тикилгай қисватим.

(Мазмуни: Эй ажал, маломат ўқлари гўё игна каби вуқудим куйлагини тиккандай бўлди. Бу ўқлар билан "тикилган" огир хирқамни ёқиб юбор.)

Дард водийсида қуюн каби беқарор кезган шоир руҳияти энди ором истаб ажалга мурожаат қилишининг тасвири аввалги байт билан мантқан боғланади ва даъваткорлиги билан шёър пафосини кучайтиради. Айна пайтда ушбу байт билан шоир кайфиятининг навбатдаги тасвири

чизгиси бошланади. Бу — яшадан маъно тополмай, ажални ўзига халоскор билган кайфият чизгиси. Бироқ навбатдаги байтда қутилмаганда шоир кўтаринки кайфият билан фалакка мурожаат қилади:

Эй фалак, анжум ушоқ тошин йиғиб бошинга ур, Чун фано майхонаси хиштидин ўлди турбатим.

(Мазмуни: Эй фалак, анжум ушоқ — майда юлдузларни тош каби йиғиб, бошинга ур, яъни аф-

Алишер Навоий 375

суслан, зеро, менинг турбатим — қабрим фано (йўқлик, тасаввуфдаги энг олий мақом) майхонасининг гиштидандир.)

Яъни "мен ўлмай туриб ўлдим", дея фахрланади шоир. Назаримизда, фазалнинг энг авж, юқори нуқтаси мана шу байтда намоён бўлади. Дард водийси аро қуюндек саргардон бўлган руҳ ва ажалга "танним хирқасини ёндир", дея илтижо қилаётган кайфият соҳиби туйқусдан осмонларга, балки тақдирга ҳам даъво қилиб сенинг ҳукминг менга ўтмайди, чунки мен фано даражасига етдим, бунинг алаמידан юлдузлар тошини



йиғиб бошинга уриб, хумордан чиқ, демокчи бўлади. Бу инсон зотининг тақдирини ўзгарира олмаслик аламини ёки ростдан ҳам ундан голиб бўлиб сурган бир лаҳзадаги давронинг нашидасими? Ҳар нима бўлганда ҳам ушбу байтда улуғ шоир руҳиятининг ўз ҳаётидан фахрланиш, ўз менлигидан гурурланиш садолари янграй бошлайди. Айна пайтда бу шоир руҳиятидаги навбатдаги ҳолат чизгисидир.

Етти кўкни кўк арақлардек совургай ҳар тараф, Тоқи минойи аро чирмалса охи ҳасратим.

(Мазмуни: Минойи тоқи(фалак)га охи ҳасратим чирмалса борми, етти осмонни худди кўк арақлардай ҳар тарафга совуриб юборайди.) Байтда даъво билан бошланган кайфият куча-

йиб борапти. Шоир дардининг улуғлигини айтиш баробарида дард берган, ҳасратини ичига солган ва етти кўкни яратган Зот қаршисидан инсоннинг мартабаси улуғлигини ҳам ички бир фахр билан эътироф этмоқда. Шёър пафоси байтда муболаганинг энг юқори тури — гулув билан юксак пардага етмоқда.

Ўз-ўзидан фахр, ички қониқиш навбатдаги байтда янада кучлироқ ифодаланади:

Кўй дуру феруза баҳсинким, нуҷуму чарҳни Нилуфар барги уза шабнамча кўрмас ҳимматим.

(Мазмуни: Юлдузни дурга, осмонни ферузага тенглаштирма, менинг ҳимматим шунчалик юксакки, унинг олдида фалак ва юлдузлар нилуфар баргига томган шабнамчалик эътиборга эга эмас.)

Малаклардан зиёда этиб, "азиз ва муқаррам қилиб яратилган одам боласи"нинг ҳиммати ҳам шу мартабага муносиб бўлиши керак.

Лаълдек бошим осилсун фарқайи хуноб ўлб, Лаъл тиккан салтанат тожига бўлса рағбатим.

(Мазмуни: Лаъл тиккан салтанат (умуман дунё) молига рағбатим (қизиқишим, иштиёқим) бўлса, бошим лаълдек қонга белансин.)

Буюк шоир тасаввури энди олис фалак пучмоқларидан ерга тушади. Фазалдаги ҳолат яна бир бор ўзгаради. Бироқ бу байтнинг кўприк эканлиги юқоридаги фаҳрия байтларига яқинлиги бўлса, аммо унда акс этган дунёга бефарқлик муносабати ҳолатнинг айричилигидан далолат беради. Шоир энди фахр билан эмас, алам билан дейди:

Турфа кўрким, халқ коми бирла умрум бўлди сарф, Турфароқ буқим бировага ёқмади бир хидматим.

(Мазмуни: Қизиги шундаки, халқнинг ташвиши билан умримни сарф қилдим, бироқ янада қизикроғи шундаки, хизматларим ҳам бировага ёқмади.)

Эй Навоий, икки оламдин кечиб топтим висол, Бу ики бутхонадин эрмиш бу йўлда офатим.

Ушбу байт мазмунига кўра, улуғ шоир асло инсонни узлатнишиликка, фаолиятсизликка қақирмаяпти, аксинча, ҳар бир ишни бойлик, шон-шўҳрат, амал-мартаба каби бу дунёнинг ҳою ҳаваслари ёки жаннатдан умид, дўзахдан қўрқув каби охират орузлари учун эмас, балки ҳолис Оллоҳ йўлида амалга ошириш лозимлигини таъкидламоқда. Акс ҳолда бу орзу-ҳаваслар бутхонадаги тош ва ёғоч санамларга сизгини синғари инсон ҳаёлини асл мақсаддан — Яратган висолидан чалғитиши мумкин.

Ушбу фазал тузилишига кўра хилма-хил туйғуларнинг инкишофи ўлароқ сочма-пароканда фазаллар сирасига қиради. Аслида ҳам инсон тахайюл тарзининг ўзи пароканда. Бироқ уларнинг мантиқий бир игна тизилиши натижасида фикр пайдо бўлади. Бундай назм намуналари Шарқ мумтоз адабиётида кўп бўлган.

Ҳазрат Навоийнинг ушбу тахлил қилганимиз фазали бир қараганда инсон руҳиятининг пароканда ҳолатлари инкишофидан юзага келгандек. Бироқ бу парокандаликни бир мақсад боғлаб турибди. Бу мақсад, фазалдаги байтларни бир-бирига боғлаган мантиқ или — ўз замонасидан, аҳли замондан меҳр топмаган, ўзидан ўзи қониқмаган, бироқ буюк қалбининг акс садосига қулоқ тутган, умри бўйи излаган неъмат — Яратганнинг висолига алалоқибат ўзини муносиб кўрган буюк инсон ўю ҳасратларининг денгиз тўлкинлари мисол пўртаналари инкишофидир.

Зухра МАМАДАЛИЕВА,
филология фанлари номзоди

Умарали НОРМАТОВ



Атоқли адабиётшунос олим, кўплаб филолог-мутахассислар, элга таниқли иждоқларнинг устози, филология фанлари доктори, профессор Умарали Норматовнинг адабий-танқидий мақолалари, эсселари, хотира ва суҳбатлари жамланган "Иждоқнинг ҳароратли сўзи" ("Тугон zamin ziyu" нашриёти, 2015) номли китоби устознинг адабиёт мухлисларига навбатдаги тўғриси бўлди.

Олимнинг илмий, иждоий фаолиятини замонавий ўзбек адабиётининг кейинги ярим асрдан зиёда вақт мобайнида кечган иждоий жараёнларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Адабиётимиз даргалари — катта авлод иждоқкорлари, янгиланаётган адабий жараён, бадииятнинг долзарб масалалари ҳақидаги теран кузатишлар, ҳолис баҳолари, одилона ҳукм-хулосалар самимий, меҳр-муҳаббатга йўрилган, ҳароратли талқинларда ифодаланган.

Устоз мунаққидни янги китоби билан қўллаб, қўллагу ёшлариди ҳам ғайрат билан миллий адабиётимиз равнақига бел боғлаб қилаётган хизматларига бардавонлик тилаймиз. "Иждоқнинг ҳароратли сўзи" китобидан олинган қуйидаги иқтибосларни муҳтарам муаллимнинг адабиётдан навбатдаги сабоқлари сифатида қабул қиласиз, деган умиддамиз.

Танқид ва адабиётшунослик бўлими

АДАБИЁТ САБОҚЛАРИ

Дўсту биродарларим, улфатларимнинг ҳам даярли берадаси адабиётга дахлдор одамлар. Табиийки, хонадонимиздаги давра суҳбатларининг бош мавзуси — Адабиёт. Мана, ярим асрдан ошибдики, даярли ҳар кун бизникида — мажолис-ун нафос.

Инсон фаолиятидаги ҳеч қайси соҳа адабиётчилик сир-синаога бой эмас, инсон ва унинг табиати, қисмати, қалби, руҳияти тўғрисидаги ҳақиқатни кашф этишда ҳеч бир соҳа сўз санъати билан бўйлаша олмайди, унинг ўрнини босолмайди.

Фандаги буюк ихтиро, кашфиётларни, чунончи, нисбийлик назариясини Эйнштейн бўлмаса, бошқа бир даҳо олим яратавериши мумкин. Санъат, адабиётдаги буюк кашфиётларнинг туғилиши эса нихоятда шахсий-индивидуал хусусиятга эга. "Герника"ни фақат Пикассо, "Улисс"ни фақат Жойс, "Ўткан кунлар"ни эса фақат Қодирийгина яратиши мумкин.

Адабиёт илми бадий ижод табиати, иждоқкор шахси, ижод психологияси бобида кўп ишлар қилди, қиялпти. Аммо улар мутлақо етарли эмас. Бу борада чин кашфиётлардан кўра чалғишлар, ҳар томон оғишлар мўлроқ. Инсоният ҳали улкан истеъдодлар хизматини муносиб қадрлаш даражасига кўтарилгани йўқ. Биз ҳануз чинакам истеъдод соҳиблари билан бу соҳага даъвогар, тамағир, ҳаваскор касобларнинг фарқига ета олганимизча йўқ.

Истиқлол йилларида кўп хайрли ишлар қатори бу жабҳада хатоликлар бартароф этилди, адолат тикланди. Танқидчиликда демагогияга йўл очадиган мустаҳаб мафкура, адабий сиёсатнинг илдиизи қирқилди.

Мана, икки асрдан ошдики, ҳеч ким, ҳатто мана мен деган назариячи олимлар ҳам роман жанрининг ҳамма бирдек тан оладиган таърифини бера олгани йўқ, беролмайди ҳам. Қарангки, кейинги икки юз йил давомида жаҳон адабиёти, адабий танқидчиликда энг қизгин баҳс-мунозаралар айни шу жанр, унинг намуналари, иждоқкорлари теварағида кечган.


Ҳаёт тарзининг ўзгариши билан ижодга муносабат, бадий ижод, санъат мезонлари ҳам тубдан ўзгарди. Бугун иждоқкор кечаги мезонлар билан иш қўриши мумкин эмас.

Аслида романтика — сурур туйғуси, инсон зоти, қолаверса, башарият учун мангу бебахо, беназир хислатдир. Иждоқкор қайси давр, оқимда қалам тебратмасин, унинг яратигида бу беназир туйғу қандайдир кўринишда намоён бўлаверади.

Адабий истеъдод, нозик дид, илҳом, маҳорат, шижоат, тафаккур кўлама тушгандагина чин санъат намуналари билан бўйлаша оладиган юксак адабий-танқидий асарлар дунёга келади. Афсуски, бевосита профессионал адабий танқид майдонида чин асар деб аташга лойиқ намуналар оз, жуда оз.

Ҳозир жаҳон адабиётини кўя туринг, ўзимизда матбуот саҳифаларида, Интернет сайтларида эълон этилаётган, юзлаб нашриётларда чиқаётган сон-саноксиз асарларнинг ярмини ҳам топишга, ўқишга улгуролмайман. "Танқид — сараламоқдир" деймиш, ҳаммасини ўқимай туриб қандай қилиб саралайсиз?..

Жаҳон адабиётидаги шох асарларнинг дунёга келиши тарихи шундан далолат берадики, уларнинг ҳар бири, аввало, давр, ижтимоий вазият таъноси, қолаверса, муаллифлар тарихий ҳоли, оилавий ва иждоий муҳити, маънавий бисоти, маслак, ақида-этика, орзу-интилошлари, энг муҳими,



ижтимоий идеаллари ҳосиласидир.

Мен Ф.Кaufканинг "Жараён", Ж.Жойсинг "Улисс", А.Камонинг "Бегона" каби асарларини ўқийганимда ҳам асарларнинг ўзини далолатлаган қаҳрамон сиймосини ўша муаллифларнинг тимсолида кўрганман. Реал ҳаётнинг, реал ҳаёт одамларининг турмуши, кечмиши, руҳий олами, бу қадар чигал қисматнинг манзаралари, жумбоқлари устидан ва қадар мардона, теран, дохиёна мушоҳада юритаётган қалам соҳибларининг шижоатига қойил қолмай бўладими, ахир. Мана шунинг ўзи қаҳрамонлик эмасми?

Мен кўлдан бери шундай хулосага келганман: қайси оқим, адабий тур, қайси жанрда бўлишидан қатъи назар чин бадий асар, ҳазрат Навоий ибораси билан айтганда, улуғ муддаодан туғилади. Қаҳқор сўзлари билан айтганда эса, у шижоат, маҳорат ва илҳом самараси ўлароқ яратилади; бинобарин, чин асар юксак эстетик идеал, шижоат, қаҳрамонлик маҳсули!

Постмодерн даврига келиб жаҳоннинг етук қалам соҳиблари башариятнинг истиқболини ўйлаб, нажот йўлини қидиришда ўтмишининг буюк сиймоси таълимоти, масалан, тасаввуф бисотига мурожаат этаётганлар. Чунончи, Лотин Америкасининг бир қатор улкан адиблари, жумладан, Пауло Коэльо ижодида бу интилиш ўзининг ёрқин самарасини кўрсатди, ўтган аср пойнида дунё юзини кўрган "Алхимик" романи жаҳон бўйлаб катта шўҳрат қозонди.

Миллат адабиётида озодлик йўлидаги курашлар акс этган шёър, дoston, драма, ҳикоя, қисса, романлар бир тизимга келтирилса, ўнлаб китоблар бисотига мурожаат аломот серия пайдо бўлиши мумкин. Қолаверса, бу туркум асарлар бутун бошли илмий жамоа адо этиши мумкин бўлган улкан фундаментал тадқиқот учун ноёб манба — асос бўла олади.

Ҳар қандай тадқиқотда бўлгани каби суҳбат, баҳс учун аризудек бош муаммо, ўй-мушоҳадаларга озик берадиган илмий жумбоқ керак. Оддий сарлом-алиқ, шунчаки савол-жавоблардан ҳеч қачон яхши адабий суҳбат чиқмайди. Суҳбатларга тайёргарлик асосида мени қийнайдиган, тинчлик бермайдиган, бетиним ўйлашга, изланишга ундайдиган дард — ана шу! Кўнглида шундай дард бўлмаса, яхшиши, бу ишга қўл урмаган маъкул.

Мен филолог адабиётшунос олим, муаллим, бугунги адабий-жаҳон бўйича мутахассис — мунаққидман. Кечаги билим, тасаввур билан аудиторияга кириб талаба ёшлар олдида маъруза ўқиш, замонавий адабий жараён ҳақида мулоҳаза юритиш, қолаверса, ёш тадқиқотчи шоғирлар билан ишлаш, уларга раҳбарлик қилиш асло мумкин бўлмай қолди. Ўз-ўзидан истеъдодли ёшлар, ёш иждоқкорлар даврасига талпиниш, истеъдодли ёшларни тинглаш эҳтиёжи туғилди менда. Биз учун "устоз-шоғирд" муносабати ўзгарди, шоир сўзалари билан айтганда, энди "бир бирига шоғирд, бир бирига устоз" нақлига амал қилиш устувор таомилга айлана бошлади.

ЖАҲОНИЙ ЖАРАЁНЛАР

20 январ куни "Жаҳон адабиёти" журнали тахририяти Жамоатчилик кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда тахририятнинг 2015 йилдаги фаолияти сарҳисоб қилиниб, 2016 йилдаги режалари белгилаб олинди. Бугунги кунда журнал жаҳондаги адабий-бадий жараённи ҳолис ва ҳаққоний таҳлил қилиш, ҳар жиҳатдан эътирофга лойиқ адабий асарлар билан ўзбек ўқувчиларини таништиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Жумладан, 2015 йилда журнал саҳифаларида Чарльз Диккенсинг "Катта умидлар", Чиннаппа Бхаратининг "Павлай", Жорж Санднинг "Индиана", Карягиннинг "Конфуций", Аноринг "Дада Кўрку" сингари йирик асарлар эълон қилинди.

Ёш таржимонларнинг маҳоратини ошириш, тажрибали таржимонлар билан ёшларнинг мулоқотини уюштириш орқали ўзбек таржимачилик мактабининг давомийлигига эришиш мақсадида "Устоз таржимонлар бисотидан" рункида устоз тар-

маданияти ва санъатини ёритиш режалаштирилган. Шунингдек, "Кундалиқлар", "Адабий саҳна" каби янги рунқлар ташкил этиш ҳамда жаҳоннинг машҳур эпосларидан парчалар босишни мўлжаллаган. "Жаҳон адабиёти" журнали тахририяти томонидан бир йил мобайнида чоп этилган энг яхши асарлар учун жорий этилган Озод Шарафиддинов номидagi йиллик мукофот билан 2015 йилда бир қатор шоир ва ёзувчилар тақдирланди. 2016 йилда журналда Нобел мукофоти совриндорларидан П.Модино ва Светлана Алексиевич, англиялик Тони Моррисон ва сербиялик ёзувчи Иво Андрич, ҳинд адиби Прем Чанд ҳамда Жанубий Кореялик адиба Шин Кёнгсукнинг дурдона асарларини эълон қилиш режалаштирилган. Йиғилиш сўнггида Жамоатчилик кенгаши вакиллари томонидан кун тартибидagi масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар, тақлифлар билдирилди.

Рахшона АҲМЕДОВА,
"Жаҳон адабиёти" журнали етакчи муҳаррири

Янги нашр

Таниқли адабиётшунос Узок Жўрақуловнинг "Назарий поэтика масалалари: муаллиф, жанр, хронотоп" (Гафур Ғулум номидagi нашриёт-матбаа иждоий уйи, 2015) номли китобига олимнинг кейинги йиллардаги илмий-назарий тадқиқотлари, адабий-танқидий мақолалари жамланган. "Бадиият ва назария", "Адабий-тарихий жараён", "Жаҳон адабиёти муаммолари" ва "Чизгилар" деб

"НАЗАРИЙ ПОЭТИКА МАСАЛАЛАРИ"

номланган тўрт бўлимдан таркиб топган китобда мумтоз дoston, роман ва драма жанри, хронотоп поэтикаси, сюжет, образ сингари адабиётшуноснинг назарий масалалари тадқиқ этилган. Шунингдек, адабий-тарихий жараён муаммолари, жаҳон адабиётининг Шекспир, Сервантес, Толстой сингари намояндалари ижоди, жаҳон ҳикоячилиги тамойиллари ҳақида фикр юритилган. Китобдан замондош адабиётшунос ва мунаққидлар ҳақидаги кичик портретлар, чизгилар ҳам жой олган. "Ҳар қандай жанр, — деб ёзади муаллиф "Драма жанри" номли тадқиқотида, — адабий-тарихий жараённинг меваси хисобланади. Ижтимоий турмуш, унда мавжуд бўлган маданий, фалсафий, адабий-эстетик, психологик омиллар жанрнинг шаклланишига таъсир кўрсатади." Нашр масъул муҳаррири филология фанлари доктори Баҳодир Каримов.



Истеъдодли ёш опера хонандаси Ширин Маматова ижросидаги ария ва романсларни нафақат юртимиз, балки хориж саҳналарида ҳам севиб тинглашади. Эндигина йигирма икки ёшни қаршилаган ижодкор Витебск, Сочи, Москва, Чимкент каби шаҳарларда ўтказилган халқаро танлов ва анжуманларда совринли ўринларни эгаллаган, Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси. Якунига етган йилда ёш хонанданинг ижодий изланишлари юқори баҳоланиб, "Энг яхши опера аёл хонандаси" йўналишида "Эътироф" мукофоти билан тақдирланди.

— Хонандалик санъатини рамзий маънода улкан тоғ тизмасига қийсласак, опера ижрочилиги — унинг юксак чўққиларидан бири. Табиийки, бу чўққини забт этиш учун узок йиллар давомида тинимсиз ижодий изланиш талаб этилади. Ушбу машаққатли санъат йўлини танлашингизга нима туртки берди?

— Гада таълим олмакдан. Менингча, эндигина ўз ижодий йўлининг муқаддасига етиб келдим. "У денгизни севади, Денгиз уни севмайди", деб шоир ёзганидек, биргина операни севиш билан иш битмайди. Бу санъатни ўзинга севадир олишинг, яъни сир-асрорини мукамал ўрганиб, опера хонандаси, деб тан олинган даражага етиш керак. Гўзал

ЖАРАНГДОР ОРЗУЛАР

— Дарҳақиқат, опера — юксак чўққи. Лекин унга эришиш учун аввал пасту баланд қиларди, турли сўқмоқларни ортада қолдириш лозим. Айтмоқчиманки, операга қизиқиш бирдан пайдо бўлмайди. Ҳаммаси болалик давридаги тарбияга, оилавий муҳитга боғлиқ. Масалан, опера хонандаси бўлиш учун айнан ижодкорлар оиласида вояга етиш шарт эмас. Муҳими, ўша оилада санъатни қадрлайдиган одамларнинг бўлишида. Менинг ижодий тақдиримда ҳам бу омил муҳим рол ўйнаган. Дадам мумтоз мусиқа ихлосманди бўлгани учун "Қизим, опера бу ҳақиқий санъат, унинг сир-асрорини кунт билан ўрганишинг керак", дея доимо тақдорларди. Айнан даданинг қўллаб-қувватлаши билан мусиқага қизиқишим уйғониб, истеъдодимни турли йўналишларда синая кўришга ҳаракат қилдим. Мусиқа ва санъат мактабида фортепиано бўлимида ўқиш билан бирга гитара чалишни, рақсга тушишни ўргандим. 2008 йили Андижон шаҳридаги Санъат коллежининг эстрада хонандалиги бўлимига ўқишга кирдим. Мендаги иштиёқ ва интилишни кўрган устозларим овоз имкониятини янада кенгайтиришимга ёрдам беришди. Ниҳоят, 2011 йили Ўзбекистон давлат консерваториясининг опера хонандалиги бўлимига ўқишга кирдим. Ҳозирда опера хонандалиги магистратура bosқичида профессор Исмоил Жалилов раҳбарли-



Навқирон авлод сўзи

қуй мисоли жаранг сочиб, қалбимни ҳаяжонга солаётган орзу ҳам шу. — Опера билан бир қаторда эстрада санъатидаги изланишларингиз ҳам давом этмоқда. Хонанда бир вақтингиз ўзида бу икки ўзига хос йўналишда фаол ижод қилишига қандай қарайсиз? — Менингча, замонавий эстрада ҳамда мумтоз мусиқани қарама-қарши қўйиш тўғриси эмас. Гарчи опера хонандаси бўлсам-да, эстрада мен учун қимматли тажриба берганини инкор этмайман. Умуман, ҳар қандай хонанда универсаллика интилиши, имкониятлари доирасини кенгайти-

хассислар, мамлакатимизнинг етакчи ижодкорлари кўз ўнгига қолиб қатори номимни эълон қилишганида эса ишонгим келмади. Ижодий изланишларим бу қадар юқори баҳоланади, деб ўйламагандим. Умуман, мукофот соҳиблари орасида ёш ижодкорларнинг салмоғи катталигида ўзига хос ҳикмат бор. Буни мамлакатимиздаги барча ёш ижодкорларга билдирилган юксак ишонч сифатида қабул қилиш лозим. Табиийки, билдирилган ишонччи оқлаш барча ижодкор ёшлар зиммасига масъулият юклайди.

Ростини айтсам, опера билан эндигина шуғулланишни бошлаганимда бу санъат жуда мураккаб, ўрганишининг имкони йўқдек туюлганди. Ҳозир эса ҳаётимни операсиз тасаввур қилолмайман. Саҳнада туриб, жонли ижрода куйлаш, ария ва романслар замиридаги юксак туйғуларни қалбдан ҳис этиб, тингловчиларга етказиш менга чексиз завқ бағишлайди. Айни пайтда Алишер Навоий номидаги академик катта театр опера хонандаси сифатида иш бошлаганман. Тез орада профессионал саҳнадаги илк ролим — "Риголетто" операсида Жильдани ижро этаман. Бу ролю гўзал оханлар оламига туташ орзуларим сари қўйилган яна бир катта қадамга айланиши, шубҳасиз.

Хонзода ҲАСАНОВА суҳбатлашди.

АДАБИЁТ МУЗЕЙИДА

Тадбир

ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейининг кўргазмалар залида атоқли адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик Азиз Қаюмовнинг ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган кўргазма очилди. Унда серкхора олимнинг кичик илмий ходим лавозимидан Фанлар академияси академиги даражасигача босиб ўтган етмиш йиллик ибратли фаолияти қамраб олинган. Томошабин экспозицияда Қаюмовлар сулоласи вакиллари — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, маърифатпарвар Пулатжон Қаюмов ва унинг ўғиллари — академик Азизжон ва Лазизжон Қаюмовларнинг ижоди лавҳалари билан танишишди. Кўргазмадан А.Қаюмов ёзган китоблар, монографиялар, рисолалар, мақолалар, шахсий кўлэзма дастхатлари ва фотосуратлардан намуналар ўрин олган.

Бахтиёр ТОИРОВ, музей илмий ходими

ЯНГИ МАДАНИЯТ ЎЧОҒИ

Қашқадарё вилояти Китоб туманида Маданият ва аҳоли дам олиш марказининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбир очилишида сўзга чиққан Маданият ва спорт ишлари вазири Баҳодир Аҳмедов шундай деди: "Президентимиз раҳнамолигида барпо этилаётган муҳташам санъат саройлари, дам олиш масканлари, маданият ва истироҳат боғлари, спорт иншоотлари ёшларнинг маънавий оламини янада бойитиш, мазмунли дам олишларини ташкил этиш ҳамда ҳамюртларимизга юқори савияда маданий хизмат кўрсатиш

тизими олис қишлоқ ва маҳаллаларимизда ҳам замон талаблари даражасида яратилишига хизмат қилмоқда. Бугунги тадбиримиз ҳам шундай эзгу мақсадларни кўзда тутди".

Тадбирда Миллий академик драма театри директори Ф.Маъсудов, Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази раҳбари ўринбосари Қ.Омонқулов, Қашқадарё вилоят ҳокими ўринбосари Ф.Жовлиев, вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи С.Сайимов, Китоб тумани ҳокими У.Худойкулов, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

ЁШЛАР ИЖОД САРОЙИДА

Пойтахтимиздаги "Ёшлар ижод саройи"да "Биз бунёдкор ёшларимиз — иллатларга қаршимиз" мавзусида ўтказилган кўрик-танлов якунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон Бадий академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазири, "Экосан" халқаро жамоат фонди ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари ишларидан ташкил этилган кўргазма қолиблари аниқланди. Кўргазма ташкилотчиларнинг таъкидлашича, атроф-муҳит ва табиат муаммолари, ОИТС ва одам савдоси оқибатлари, ичкилик ва кашандаликнинг зарари, гиёҳвандлик вабоси, диний ақидаларастлик ва халқаро терроризмнинг ёвуз мақсадлари каби долзарб мавзуларда талабалар тақдим этган ишлар бадий жиҳатдан маҳорат билан ишланган. Ҳайбат хулосасига кўра, Зулфия Собирова "Огоҳ бўли!" асари билан Гран-прига сазовор бўлди. Зарина Маъмурбоева ("Улар йўқотиб кетиши мумкин") ва Зухра Давлатова ("Глобал исмиш") биринчи, Даря Капустини ва Бехзод Азимов иккинчи, Бехзод Абдуллаев ва Динара Умарова учинчи ўринни эгаллашди. Қолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Мирқарим МИРСОВУРОВ

Яқинда Қозон шаҳрида бўлиб ўтган ёш режиссёрларнинг аънаванавий кўрик-фестивалида таниқли режиссёр Баҳодир Йўлдошев раҳбарлигидаги "Дийдор" жамоаси шоира Зулфия хотирасига бағишланган "Ёдим синиқлари" спектакли билан иштирок этиб, махсус диплом билан тақдирланди.

Фестивал учун "Ёдим синиқлари" спектаклининг танлаб олингани бежиз эмас. Шоира Зулфия ҳаётига доир энг ёрқин саҳифаларни поэтик театр шаклида ифодаловчи томоша инсон ботиний оламини теран ва нафис чизгиларда акс эттириши, шеъ-

рийат ва саҳна тилининг жозиб уйғунлашуви, бадий руҳи, эстетик гўзаллиги билан эътиборни тортади. Унда Зулфиянинг қувонч ва нурга тўла онларидан тортиб, ғам-андух, дарду изтиробларга бой тақдир лирик композиция тарзида талқин этилади.

Спектаклнинг яна бир асосий ютуғи сукунатга йўғрилгани, гўё маҳзун қўшиқдек сокин тарзда саҳналаштирилгани билан боғлиқ. Ҳала-говур спектакллардан зада бўлган томошабин мазкур асарни ўзгача иштиёқ ва ҳаяжон ила кузатади, қаҳрамонлар дардига шерик бўлади. Хорижлик мутахассисларни ҳам спектаклнинг айнан шу жиҳати ўзига жалб этгани табиий.

Саҳналаштирувчи рассом С.Седухин адабиёт, санъатга хизмат қилувчи бир қучоқ китоблар, дугор, керосин лампа, суратлар, чопон каби эски буюмларни бир жонага жойлаштириб, ўзига хос муҳит яратди ва бундай манзара исталган одамни ҳаёлот дунёсига етаклаши тайин. Дарахтлар-

ВАТАН ОЗОДА БЎЛСИН!

Тинчлигимизга раҳна солишга ҳаракат қилаётган ёвуз кучларга қарши кураш, чегараларимиз мустаҳкамлиги, халқ фаровонлиги ва оқсоқиллигини таъминлаш юртимизга посбон жасур ўғлонларнинг сергаклиғи мардликка боғлиқлиги шубҳасиз. Ушбу ҳаётий ҳақиқатнинг бадий талқини ўзбек киноси усталарининг ҳам диққат марказида. Алишер Навоий номидаги кино саройида яқинда тақдироти бўлиб ўтган "Барон" фильми шундай долзарб мавзудаги янги изланиш намунаси дейиш мумкин. Ўтқир сюжетли драма жанрида яратилган картина гиёҳванд моддалар савдосига қарши кураш, глобал микёсдаги муаммога айланган мазкур иллатнинг фожиавий оқибатлари ҳақида ҳикоя қилади.

"Ўзбекино" миллий агентлиги буюртмасига кўра Шоира Ғиёсова ҳамда Рустам Саъдиев сценарийси асо-

сотида суратга олинган янги фильм намойиши муҳлис ва мутахассисларда бирдек қизиқиш уйғотгани табиий. Уни яратишда кино санъатимизда ҳали қўлланмаган замонавий технологияларга мурожаат қилиш баробарида хорижлик ижодкорлар билан ҳам кенг ҳамкорлик қилинди. Р.Саъдиев режиссёрлигидаги картинада Улуғбек Қодиров, Жаҳоҳир Зокиров, Муҳаммадсо Абдулхайиров, Раъно Шодиева ва сингари тажрибали ўзбек актёрлари билан биргаликда "Муқаддас замин", "Кариб денгизи қароқчилари" номли машҳур Голливуд филмлари орқали муҳлис-ларга таниш бўлган Гассан Массуд, криминал мавзудаги сериаллардаги образлари билан ном қозонган актёр Фарҳод Маҳмуров, Россия халқ артистлари Андрей Смоляков ҳамда Виктор Вержицкий ҳам рол ижро этган. Суратга олиш ишлари мамлакатимиз вилоятлари, шунингдек, Туркия, Россия каби хориж мамлакатларида олиб борилди.

Филм сюжети ҳақида сўз юритганда шуни таъкидлаш лозимки, ижодкорлар долзарб мавзунинг одатий намойиши билан чекланишмаган. Гиёҳванд моддалар-

нинг ноқонуний савдоси муаммоси доирасида турли қиёфадаги замондошларимизнинг тақдирини ҳам ёритилди. Эҳтиётсизлиги туфайли жиноий жавобгарликка тортилган, бокс бўйича жаҳон чемпиони Ботир рафиқаси ҳамда туғилажак фарзандининг нобуд бўлишига сабабчи бўлган ёвуз кимсаларни жазолаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига ёрдам беради. Тез ривожланиб борувчи воқеалар жараёнида захарли оғу савдоси билан шуғулланувчи жиноий гуруҳ бошлиғи Мардонбой, унинг ўнг қўлига айланган Иззат, ҳамтовоқ укаси Усмон сингари мураккаб характерга эга образларнинг тақдирини, уларни қийнаётган изтироблар ҳам очиб берилади.

Охир-оқибат "Барон" тахаллусини олган Иззат Мардоннинг оддий гунаҳкори эмас, адолат ҳимоячиси экани маълум бўлди. У Ботир билан биргаликда мамлакатимиз худуди орқали хорижга йўл олаётган катта миқдордаги гиёҳванд моддаларни қўлга олишда ёрдам беради. Турли жанг саҳналари, яқка кураш кўринишларига бой фильм тинчлигимиз посбонлари бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ва ҳарбийларнинг ўз бурчини адо этиш йўлидаги жасорати ва матонатини намойиш этади.

Албатта, "Барон"ни суратга олишдаги тажрибалир бошқа кино ижодкорларини ҳам бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз. Зеро, ушбу фильм миллий кино санъатимиздаги изланишлар доирасининг кенгайиб бораётганини, маиший йўналишдаги комедиялар билан бир қаторда глобал аҳамиятга эга мавзуларга мурожаат қилиш орқали ҳам томошабоп, қизиқарли картиналар яратиш мумкинлигини кўрсатди. Ўз навбатида шундай долзарб мавзудаги филмларнинг муаллифлари изланишдан тўхтамай, янада мукамал картиналар яратиш йўлида маҳорат ва тажрибаларини ошириб боришларига тилакдошимиз.

Ўз муҳбиримиз.

МИНИАТЮРА ҲАҚИДА КИТОБ

"Санъат" журнали нашриётида "Темурийлар ва Бобурийлар давридаги маданият, китобат санъати ва миниатюра рангтаъсири тарихи" номли китоб чоп этилди. Мазкур китобдан санъатшунослик фанлари доктори, профессор Абдумажид Мадраимовнинг ўзбек ва рус тилларидаги мақолалари, тақризлари, ахборотлари, даврий нашрларда эълон қилинган бошқа материаллари ўрин олган.

Тўрт қисмдан иборат китобнинг биринчи қисмида ўзбек тилидаги рисолалар, мақола ва тақризлар, иккинчи қисмида эса рус тилидаги мақолалар, таҳлиллар, ахборот материаллари берилган. Китобнинг учинчи ва тўртинчи қисмлари Бобур, "Бобурнома" ва миниатюраларга бағишлан-

ган алоҳида мақолалар ва тадқиқотлардан иборат. Маълумки, миниатюра санъати Марказий Осиё тасвирий санъатининг энг ёрқин саҳифаларидан бирини ташкил этади. Бу санъат бевосита

Янги нашр

кўлэзма китобларни безаш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланган. А.Мадраимов китобидан эса айнан XV-XVII асрларга тааллуқли юксак бадий қийматга эга миниатюралар ўрин олган. Рангли ва оқ-қора тасвирдаги 122 миниатюра изоҳлари билан берилган бўлиб, улар ҳозирги кунда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ кўлэмалар маркази ва бошқа

жойларда, шунингдек, чет элларда (Париж, Лондон, Москва) сақланади. Улар орасида Мир Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур асарларига ишланган бетакрор миниатюралар бор.

Китобда, шунингдек, ўз ичига 400 дан ортиқ турли нашрлар, шу жумладан, чет эл нашрлари номини жамлаган илмий маълумотнома ҳам берилган.

Мазкур китоб талабаларга, тадқиқотчиларга ўқув қўлланма сифатида асқотиши билан бирга, маданий тарихи, китобат санъати ва миниатюра билан қизиқувчилар ҳам ундан фойдаланишлари мумкин.

Лариса ЛЕВТЕЕВА, санъатшунос

Ўзбекистон ва жаҳон маданияти

нинг эгилиб турган шохлари нури хотираларни жонлантиради, шоира дарду кечинмаларига раъзий ишора қилади. Умуман, спектакл бу каби мажоз, метафораларга бой, ҳар бир саҳна белгисига қандайдир ишора, фалсафий топилмани сезиш мумкин. Асар якунида хорижлик мутахассисларнинг "Томоша ҳеч қандай таржимага эҳтиёж сезмади, бизни ҳолат,

сабр қилиб яшаётган келин — М.Сафоева ижро этган образлар боғвий юки, таъсир қувватли билан томошабин хотирасига муҳрланади. Айниқса, Илёс Арабов гавдалантирган Зулфиянинг турмуш ўртоғи, хассос шоир Ҳамид Олимжон образи воқеалар тадрижида алоҳида аҳамият касб этиб, висолга ташна, ички дунёси мураккаб шахс сифатида намоён бўлади.

Актёрлар жонли овозда куйлаб соз чаладилар, қаҳрамонлар характери тўқис кўрсатишга интиладилар. Уларнинг кечинма санъатига мойиллиги, ҳиссиётларини ўрнида сарфлаб, жиловлай олиши, ҳолатдан-ҳолатга ўтиш маҳорати театр мутахассисларида ижобий таассурот уйғотди.

Фестивал давомида намойиш этилган "Самовий рақслар", "Сехр қандай кўрилади?", "Икки бойга бир малай", "Бола кўзларидаги исён", "Ёз арилари ноябрда ҳам қававерди", "Энг махфий сир", "Оскар ва атиргул хоним", "Қонундан четлашиб" каби ранг-баранг мавзу ва жанрдаги спектакллар ўзбек ёшларининг театр ҳақидаги қарашларини янада бойитгани аниқ.

"Дийдор" театр-студиясида шундай қатъий тартиб, интизом мавжуд: илму ижод, касбга, хусусан, театрга ошuftалик, росмана муҳаббат, кези келганда, саҳна учун ўзни аямаслик... Четдан қараганда, бу қоидalar билан мурося қилиш қийин. Лекин шу йўлни танлаган ижодкорни юксак парвоз, порлоқ истиқбол кутади. Қозон шаҳрида эришилган натижа фикримиз далилидир.

Шохрўх АБДУРАСУЛОВ



Ўроқ САИД

Болалар бекати

ДАРЁЛАР ОҚАВЕРАДИ

ВАТАН



Кундузга дарё бешик, Арслонга-чи, ўрмони. Оқушларга мовий кўл, Ой-юлдузга осмони.

Замин тоғу денгизни, Ардоқлайди кўксиди. Тоғда оху улғаяр, Ватан унга аслида!

Бургутларга баладлик, Юксак тоғнинг қояси. Бешиқдан бошланармиш Ватаннинг ҳикояси.

— Қим элини тарк этса, Умири қайғуда, бўтам! Юртинг нондек азиз тут, — Дейдилар, ҳар гал отам!

БИЗНИНГ ҲИСОР

Ястанди арчазор, Чеки йўқ, поёни йўқ, Қарайман такрор-такрор, Кўз узиш имкони йўқ.

Балдур булоқларини Шарбат десам бўлар оз. Яшил ўтлоқларини Бахмал десам, бўлар соз.

Кун тегмас даралари Саратонда сақлар муз. Ғир-ғир эсган шабада Жунжиктирар ўша кез.

Кўй-қўзилар яйловда Тизилган тўнадек. Учқур отлар бойловда Шарпадан олар ҳалиқ.

Зарғалдоқлар хонини Қалбларга берар ором. Юлдузлар товланиши Ўзига этади ром.

Чўққига сақлар олқор, Кўёш бобо мўралар. Пасти баҳор, тепа қор, Келиб кўринг, жўралар.

ИЧИ ТўЛА ХАЗИНА

Дунёда китоблар кўп Ичи тўла хазина. Тинглагин сўзини хўб, Мағзини чаққин яна.

Китоб эрур она Ер, Маржон юлдузи осмон. Денгиз, уммон, чўлу қир, Жазирама биёбон.

Сомон йўл бўйлаб юлдуз, Сирини очмоқ бўлсанг. Суви тошмаган денгиз, Жумбоғин ечмоқ бўлсанг.

Марса гул экиб агар, Этмоқ бўлсанг гулистон. Заминдан ойга қадар, Кўприк курсанг бегумон.

Бир кун келиб кулиб бахт, Чорласа сени офтоб. Барчасига беминнат Энг буюк устоз — китоб!



Аброр МИРЗО олган сурат.

ТАБИАТ

Қояларнинг нақд белида, Бир харсанг бор: Ҳўкизбош. Уни роса ўхшатибди, Табиат — ҳайкалгарош.

Қулоқ, шохи, кўзлари ҳам, Айнан ўзи, етилган. Икки бурун тешниқдан Сув — фаввора отилган.

“Ҳўкизбурун” деб аташар, Ажиб бу тоғ тошини. Қирқ кокил мажнунтоғлар, Ювар унда сочини.

Ў.САИДОВ 1939 йили Қашқадарё вилоятида туғилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Муаллифнинг “Тоғ лоласи”, “Кийикдара”, “Гўзал васфи”, “Дарёлар оқаверади” номли китоблари чоп этилган.

УМИД ВА ИШОНЧ

Бугунги ёшлар шеърлятида чаман бир боғ қад кўтараяпти. Уларнинг сўзларидан кўклар таровати, райҳон ислари келади. Ана шу дилбар шоирлар орасида Дилноза Муротова ўз сўзи, тиник овози билан юрагининг қиъчаларини очмоқда.

“Дилнозанинг шеърларида ҳаёт ва инсон қадри, муҳаббат, умид, келажакнинг нозик, ўзига хос тасвирлари бор. У изтироблар ичида ҳам ёруғ нур излайди. Эагулиқнинг юрагига қулоқ тутайди.

Шеърлар мундарижаси унча кенг эмасдек туюлади, лекин инсон кечинмаларининг ўзини тасвирлаш, ўз хис-туйғуларини унга омухта қилиш ҳам кенгликка интилишдир”. Ушбу сўзлар Дилноза Муротованинг “Янги аср авлоди” нашриётида босмадан чиққан “Янги кунлар” номли шеър тўпламига Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиёва томонидан ёзилган сўзбошидан олинди.

Оллоҳим бахт берса, тафаккур қилиб, Киймоқ керак доим камтарлиқдан тож. Бахтнинг манзилларини меҳнатда билиб, Қалбда ундирайлик умид ва ишонч.

Китобни арақлар экансиз, юқоридаги фикрларга беихтиёр қўшилиб бораверасиз. Шоиранинг шеърларида самимият бор. Бу самимийлик унинг ҳар сўзига ёки китобхонга етказётган ҳар жумласига жо бўлган. Қарашлари, атрофдагиларга муносабати ҳам ўзгача ва у борлиқни бошқалардан фарқли тушунади. Китобга Маъмура Қутлиева муҳаррирлик қилган.



Гул кўп, чаман кўп

ЖАҲОН АДИБЛАРИ ҲАЁТИДАН

Соҳибқирон ахтиромини қозонган шоир

Ўз даврининг қомусий илмларини эгаллаб, фалакиёт, тиббиёт, адабиёт ва санъатдан ҳам яхши хабардор бўлган Маҳмуд Шабистарий (тўлиқ исми-шарифи Саад ад-Дин Маҳмуд ибн Абдул Карим ибн Яҳё) 1287 йили Табриз яқинидаги Шабистар қишлоғида илоҳиётчи олим оиласида таваллуд топган. У форс тилида ижод қилиб, етук файласуф олим, сўфийлик тариқати бўйича йирик назарийчи, устоз мақомига эришган. Шоирнинг “Сирлар гулшани” китоби жуда машҳур бўлиб, ҳозирга қадар жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинган. 1320 йили вафот этган Маҳмуд Шабистарий ўз қишлоғидаги Гулшан қабристонига устози Баҳоуддин Ёқуб Табризий қабри ёнига дафн этилган.



Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг “Амир Темур сиймоси” китобида қайд этилишича, мадрасада ўқиган чоғлари Қуръони карим оятларини икки-уч ўқишдаёқ ёд оладиган ёш Темурбек шу йиллари Шабистарийнинг маъруз қишлоғидан ўтганда “Сирлар гулшани”ни ёзган шоир турбатини суриштиради. Маълум бўлишича, шоирнинг қабри жуда қаровсиз экан. Амир Темур фармон бериб, гўзал макбара қурдиради, вақф ерлар ажратиб, ундан келадиган даромад ҳисобига зиёратхона обод сақлашни буюради. Шу қишлоқлик олти мингдан зиёд аҳолининг ҳар бирига Шабистарий хурмати учун беш мисқолдан олтин улашилади...

Маҳмуд Шабистарий Миср, Ҳижоз, Сурия, Ироқ ва бошқа кўплаб мамлакатларга саёҳат қилган. Бу ҳудудларда танишган машҳур олимлар билан хат ёзишиб турган. Қирмон шаҳрида уйлانган ва фарзандлари орасидан машҳур кишилар етишиб чиққан. Шоир сифатида ном қозонган бир ўли “Сирлар гулшани” китобига изоҳлар ёзган. Шабистарий қисқа умр кўрган бўлса-да, бой ижодий мерос қолдирган. Сафарлари таассуротларини “Саодатнома” китобида баён этган. Шунингдек, “Ҳақ ул-йағин фи маърифати раббул оламийн”, “Миръот ул-Муҳаққиқин” асарлари, “Шоҳиднома” достонини ёзган. Ҳазратнинг “Минҳож ул-обидин” асарини араб тилидан форсчага ўргирган.

“Эзгу боғнинг фидолари”

Замонавий эрон адабиёти авлодига мансуб Муҳаммад Ризо Байрамий (1965) ўттиздан ортиқ роман, қисса ва ҳикоялар китобини эълон қилган. Унинг асарлари олти йил аввал Санкт-Петербургда чиққан икки жилдлик “Замонавий эрон адабиёти” антологиясига ҳам кирган. Яқинда кўплаб тилларга таржима қилинган “Эзгу боғнинг фидолари” номли тарихий-сийсий асари “Эрон бестселлери” туркумида нашр этилди. М.Байрамийнинг бошқа кўплаб асарларида асосан мамлакатдаги ислом инқилоби ва эрон-ироқ уруши манзаралари тасвирланган. Адибнинг қишлоқ манзараларини тасвирлашдаги лиризм эътиборни жалб этади.



Ёғду сочаётган кўёш...

Замонавий афгон адабиёти намоёндаларидан бири Холид Хусайний 1965 йили Кобулда дипломат оиласида таваллуд топган. Сан-Диегодаги Калифорния университетининг тиббиёт факултетини битирган. У БМТнинг қочоқлар бўйича вакили сифатида қирғинбарот урушда азият чекиб, дунёнинг турли мамлакатларига кетишга мажбур бўлган юртдошларига инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатишда фаол иштирок этади. Ҳозир оиласи ва фарзандлари билан Калифорнияда яшайди. Холид Хусайний айни чоғда бадиий ижод билан ҳам шуғулланмоқда. Унинг инглиз тилида чоп этилган “Шамолни қувиб” номли ilk асари доғруқ қозониб, “2007 йилги китобхон” танлови мукофотига сазовор бўлган ва роман асосида бадиий фильм суратга олинган. Адибнинг “Ёғду сочаётган минглаб кўёшлар”, “Тоғлардаги акс-садо” номли китоблари ҳам кўплаб тилларга таржима қилиниб, нашр этилмоқда.

Холид Хусайнийнинг дастлабки икки романида уруш ва одамлар ҳақида ҳикоя қилинса, кейинги асарларида афгон халқининг бугунги тақдирига эътибор қаратилади. Асар қаҳрамонларининг кўпчилиги тиббиёт ходимлари ва дипломатлар бўлиб, улар мамлакатда келаятган жараёнларни тўқис қамраб олишга ҳизмат қилган. Шуларнинг афгон диёрига бостириб кириши асарда халқ бошига тушган фожиали воқеалардан бири сифатида талқин этилган.



Дилбар ўлкам

Расом Дилмурод Йўлдошев ижодида манзара жанри етакчилик қилади. Мунаввир табиатдан илҳомланади, фасланнинг бетакор жозибасини нафис рангларга тўйинтириб, муҳлисларга ажойиб манзаралар тасвирини тақдим этади. Унинг Тасвирий санъат галереясида намоиш этилаётган “Паркент томонларда”, “Тоғда кўёш ботмоқда”, “Паркент бугдўйзорлари”, “Фориш”, “Форишда куз” сингари асарлари юртимизнинг

тасаввур қилиш кийин. Халқаро Маданият карвонсаройида ана шу расомлар хотирасига бағишланган “Бетакор санъат дурдоналари” номли кўргазма ташкил этилди. Унда ҳар икки расомнинг китобларини безашда қўллаган юздан зиёд кишлография асарлари намоиш қилинмоқда. Кишлография дастлаб Хитойда, Фарбий Европада, Россияда қўлланган. Ўзбекистонга эса ўтган асрнинг етмишинчи йилларида кириб келди. Медат Кагаров ижодининг асосини линография, литография, кишлография, офорт йўналишидаги ишлар ташкил этади. Охириги йилларда расом ранг-тасвир йўналишида ҳам ўзига хос асарлар яратди. Расомнинг жумладан, шоир Б.Бойқобилов асарига ишлаган кишлографияси фалсафага бойлиги билан ажралиб туради. “Хайвонлар ҳақида” деб номланган асаридидаги туя, шер, от, бойўғлининг бир-бири билан боғлиқ ҳаёт тарзи тасвири томошабинларда қизиқиш уйғотди. Дамир Уразаевнинг Ўзбекистон халқ шоири Зулфиянинг “Томчи” номли шеърлар тўпламига ишлаган бадиий безак сифатидаги кишлографияси нафислиги, миллий аънаоларга бойлиги билан эътиборни тортади. Расомнинг йиғирмага яқин кишлографияси Тошкент давлат Санъат музейида, эллиқдан ортиги халқаро Маданият карвонсаройи фондида сақланиб келинмоқда. “Тошкент ҳақида кўшиқ”, “Замон ривоятлари”, “Қадимги ўзбек спорти турлари” сингари тўпламларидаги расмлар мазмунан бир-бирини тўлдирди.

Кўргазма залларида



турли гўшаларига қилинган ижодий сафарлар махсулидир. Расом нафақат тоғли худудларнинг манзараларини, балки шаҳарнинг кўзга кўринарли жойлари, одамга ўзгача руҳият бағишловчи эски шаҳар кўчаларини тасвирлайди. “Сағбон кўчалари”, “Тошкент кўчаси”, “Тошкент. Ёмғирли кун” каби асарларда бир мавзунинг турли кўринишларида талқин этгани кузатилади.

Замонавий китоб безаш санъатини моҳир расомлар Медат Кагаров ва Дамир Уразаевнинг самарали ижодисиз

С.ҚОСИМОВА А.ПОПОВ олган сурат.

Янги нашрлар

“МЕҲР ДАРАХТИ”

Фарзандларимизда эзгу фазилатларни шакллантиришда китоб энг яхши воситадир. Ёшлиқдан китоб ўқиб улғайган бола келажакда қомил ва дунёқароши кенг инсон бўлиб улғаяди. Аслида болалар ҳақида ёзиш, болалар ёзувчиси ёки шоири бўлиш осондек туюлади. Аммо уларнинг оламига кирганингиз сари бу ишнинг нечоғли масъулиятли эканлигини ҳис қила бошлайсиз.

Таниқли ижодкор Феруза Жалилованинг “O'zbekiston” нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган “Меҳр дарахти” номли жажжи тўплами ҳам ёш болаларга мўлжалланган



бўлиб, муаллиф болалар ҳаётига оид қизиқarli эртақлар ва ҳикоялар орқали уларнинг мурғак қалбларига меҳнатсеварлик, тўғрисузлик, саҳийлик каби хислатларни сингдиришга ҳаракат қилган. “Меҳнатнинг ширин нони”, “Кимнинг йўли тўғри?”, “Мулзам бўлдим”, “Бир оғиз ширин сўз” каби ҳикоя ва эртақлар, аввало, содда тилда ёзилгани билан ўқувчини ўзига жалб қилади. Китобдаги топишмоқлар эса болаларнинг зехнини, топқирликларини синайди. Ушбу тўпламдаги ҳикоя, эртақ ва топишмоқларга расом Феруз Матёқубов томонидан чизилган қувноқ суратлар ранг-баранглиги, алоҳида мазмунга эгаллиги билан ёш ўқувчиларга манзур бўлиши табиий.

Безфарқлик ноҳушлик келтиради

Ёнгин одамларнинг озгина эътиборсизлиги туфайли содир бўлади. Айниқса, зангори оловдан фойдаланишда эҳтиёт чоралари кўрилмаса ноҳуш ҳолатлар рўй беради. Бунинг оқибатида мол-мулкка, инсоннинг соғлиғига катта талофат этади. Шу боис, республикамизнинг барча худудларида “Ёнгин хавфсизлиги” ойлуклари ўтказиб келинмоқда. Ҳар йили мунтазам равишда ўтказиладиган бундай тадбирлар натижаси ўлароқ, юртимизда ёнгинлар, у туфайли орттириладиган тан жароҳатлари, бошқа фожиавий ҳолатлар кескин камайишига эришилмоқда.

Аммо аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб борганимизда кўпчилик турли мосламалардан фойдаланиши, тез алангаланадиган суюқликларни чордоқ ва ертўлаларда сақлаши маълум бўлди. Шу боис қуз, қиш мавсумларида нафақат иншоотлар, идораю ташкилотлар, балки хонадонларда ҳам ёнгин содир бўлишининг олдини олиш мақсадида зарурий чора-

тадбирларни кўриш лозим. Яъни электр симлари, иситиш тармоқлари обдон текширилиб, носоз жойлари таъмирланиши, бирламчи ўт ўчириш воситалари жамланган тахталавҳлар ўрнатилиши керак.

Огоҳлик

Яна бир эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳат шуки, носоз газ қурилмасидан чиқаётган газ ҳиди хонани тўлдирган бўлса чироқ ёки гугуртни ёқмаслик керак. Хоналарни теъда шамоллатиб, дераза ойналарини очиб қўйиш лозим. Бундай ҳолатларда совун кўпигидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

У. КЕЛДИЁРОВ, ЁНГИНГА ҚАРШИ ҚУРАШ ҲИЗМАТИ ХОДИМИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Ижод» жамоат фонди уюшма поликлиникаси бош шифокори ўринбосари Ҳамидулла Боймуродовга отаси

Дўстёр БОЙМУРОДОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Бош муҳаррир Сирожиддин САЙИД

ҲОМИЙ: “МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ” АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32 Кабулхона — 233-52-91 Котибият — 233-49-93 info@uzas.uz, uzas@mcs.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Тахририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОВЕВ Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонаси. Босмахона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй

Босишга топириши вақти — 20.00. Босишга топирилди — 19.19

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 7143. Буюртма S — 4958. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНАЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.

ISSN 2183-614X

